

**“Taxiatosh IES” AJнинг оддий акцияларига
эгаллик қилувчи ягона акциядори –
“SMART INTEGRITY ME” МЧЖнинг
2/2023 – сонли ҚАРОРИ**

Тошкент ш.

2023 йил “25” октябрь

“Taxiatosh IES” AJнинг жами чиқарилган акциялар сони 180 050 345 донани ташкил этади.

“Taxiatosh IES” AJнинг барча овоз берувчи 180 050 345 дона оддий акциялари 2023 йил 18 сентябрдаги 3408-сонли ишончли бошқарув шартномасига кўра “SMART INTEGRITY ME” МЧЖга тегишли (100%).

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига асосан, барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлган жамиятда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмайди ҳамда ушбу Қонун ва жамиятнинг устави билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан яқка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилиши белгилаб қўйилган.

КУН ТАРТИБИ:

“Taxiatosh IES” AJ Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

Кун тартибидаги масала юзасидан:

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 59-моддасига асосан жамият кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киради.

Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2023 йил 13 октябрдаги 01/09-3-17/855-сонли хати билан Жамият кузатув кенгашига Агентлик номидан номзодлар берилган (1-илова).

Юқоридагиларни инобатга олиб, Жамият кузатув кенгашини қуйидаги таркибда сайлаш мақсадга мувофиқ:

1. Ортиқов Акмалхон Жўрахонович - Давлат активларини бошқариш агентлиги директори
2. Жураев Баходир Ибрагимович - “Иссиқлик электр станциялари” АЖ Бошқарув раиси
3. Уразаев Тимур Рустамович - “ЎзИнжиниринг” РЛИ Директор вазифасини бажарувчи

4. Ходжаев Шерзод Хикматуллаевич - Энергетика вазирлиги департамент мудири
5. Расулов Улуғбек Ўктамович - “Ўзэнергоинжиниринг” АЖ Техник директори

Кун тартибидаги **масала** юзасидан “Taxiatosh IES” АЈнинг ягона акциядори **қарор қилади:**

1. Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2023 йил 13 октябрдаги 01/09-3-17/855-сонли хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Taxiatosh IES” АЈ кузатув кенгаши қуйидаги таркибда сайлансин:

1. Ортиқов Акмалхон Жўрахонович - Давлат активларини бошқариш агентлиги директори
2. Жураев Баходир Ибрагимович - “Иссиқлик электр станциялари” АЖ Бошқарув раиси
3. Уразаев Тимур Рустамович - “ЎзИнжиниринг” РЛИ Директор вазифасини бажарувчи
4. Ходжаев Шерзод Хикматуллаевич - Энергетика вазирлиги департамент мудири
5. Расулов Улуғбек Ўктамович - “Ўзэнергоинжиниринг” АЖ Техник директори

“Taxiatosh IES” АЈнинг барча овоз берувчи акцияларининг ишончли бошқарувчиси-ягона акциядори “SMART INTEGRITY ME” МЧЖ директори

Ф.Абдурахманов